

ТОШКЕНТ ОЖШОМЧИ

ШАХАР ИЖТИМОЙ СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 99 (9.291) 1999 йил 25 август, чоршанба

Сотувда эркин нархда



Саноат

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

«Ўзбеккабель» ҳиссдорлик жамоаси Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги байрамини меҳнат ютуқлари билан кутиб олишмоқда. АКШ, Германия, Италия фирмаларининг замонавий ускуналари билан жиҳозланган цехларда ишлаб чиқарилаётган кабель маҳсулотларининг 70 фоиздан ортиғи Россия, Болгария ва бошқа кўплаб хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Корхонада 2000 турдаги сифатли маҳсулот турлари тайёрланади. Маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш йўлидаги изланишлар ўз самарасини бермоқда. Яқинда эса Италия фирмаларидан бирининг юқори унумли ускуналари билан жиҳозланган цехда янги маҳсулот — 1,2—3,7 миллиметр ҳажмидаги кабель симлари ишлаб чиқарила бошланди.

Дилноза ФИЁСОВА.

МУСТАҚИЛЛИК — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Нодира Йўлдошева, олима, Ўзбекистон Фанлар Академиясига қарашли Иммунология институти ходими:

— Биз кутлуг айём арафасида турибмиз. Ўзбекистон мустақиллиги биз аёлларга, хусусан, ёш олималарга катта имкониятлар берди. Бу йилнинг февраль-март ойларида мен Англияда бўлиб, Оксфорд университетида изланишлар олиб бордим. Бизнинг институтида инсон саломатлигининг асоси бўлган — иммунология соҳасида, яъни ирсиятнинг таътиб этиш бўйича изланишлар олиб боради. Биз Англия ва Америка олимлари билан тадқиқотлар олиб бориб, «Хьюмон Денон» программаси бўйича ҳам ҳамкорликда ишляймиз. 1996-98 йиллари институтида иккита халқаро Антропогенетик илмий

экспедициясини ташкил этди. Ушбу экспедициялар натижасида биз 2000 дан ортиқ конда учрайдиган ДНКларни олдик. Бу илмий изланишлар нафақат Ўзбекистонда, балки Кавак ва бутун Марказий Осиё ҳудудида олиб борилди.

Келажак йилларда Орол денгизини буладиган экологик нобоп вазиятда яшаб келаётган одамлар ўртасида ирсият томонидан тадқиқотлар олиб бориш ниятидамиз. Изланишларни Техас университетида Барбара Пенс ва Англиянинг Оксфорд университетида Пенсел Велес билан ҳамкорликда олиб бориш харақатидамиз. Бундай халқаро миқёсдаги ишларни амалга ошираётганимиз истиқлол шарофатидандир.

Одилжон МАМАЖОНОВ, Тошкент Давлат тиллари университети немис филологияси бўйича бакалаврлик факультети толиби:

— Утган саккиз йил мобайнидаги ўзгаришлар ҳақида айтсам, биз биринчилар қатори Мустақил Ўзбекистон давлатининг паспортига, яъни фуқаролик ҳужжатини олишга эришдик. 1995 йили мен Жаҳон тиллари университетига ўқишга кирдим. Немис тили факультетига. 1999 йили бу университетнинг бакалаврлик бўлиминини тугатиб, магистратурага кириб ўқиш арафасида турибман. 1998 йили Германия Академик алмашув хизмати томонидан белгиланган стипендияга сазовор бўлиб, Германияга ўқишга бориб келдим. Биз бу давлатнинг Кёльн шаҳрида бўлдик. Немис тили бўйича билимларимизни оширдик. У ерда нафақат немис ёшлари

билан, бутун дунёдан ташриф буюрган ёшлар билан суҳбатлашиб, уларнинг ҳаётлари билан танишдик. Ўз навбатида улар ҳам бизнинг Ўзбекистон ёшлари ҳаёти билан қизиқиб, сурашди. Менда шундай фикр пайдо бўлдики, Европадаги, дунёдаги ёшларнинг кўпчилиги Ўзбекистон ҳақида батафсил маълумотга эга эмас. Мени чек элдаги ёру биродарларимизга тилагим, Ватанимиз Мустақилликка эришганига саккиз йил бўлибди. Ватанимиз унутиб бўлмайди. Ватан — инсоннинг кунлиги бўлади. Яқинлашиб келаётган 1 сентябрь хуррият байраминизга келиб, шодмөнларни кўриб кетишларини хоҳлардим. Юртдошларимизни эса истиқлол шодмөниси билан кутлайман.



Истиқлол илҳомлари

МУШОИРА ЭТАДИ ДАВОМ...

Душанба кuni эрталаб шахримизнинг икки файзли гўшаси — Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамда Шоирлар хиёбонида янграган қарнай-сурнай садолари ҳамшаҳарларимизни, узоқ-яқиндан келган меҳмонларни ўз бағрига чорлай бошлади. Зеро, шу кuni адабиёт, шеърят ва нафосат ихлосмандлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг савий-харақатлари орқали ташкил этилган «Кўнрақ кўшиги, Мустақиллик абадий» мавзусидаги катта байрам мушоираларига тўпланишди. Унда мухлислар севимли шоирларимиз Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар ижодидан баҳраманд бўлишди.

Бобур боғида мушоирани бошқарган Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов Мустақиллигимиз шарофати билан элга ва тилга эътибор кучайтириб, мамлакатимиз киска мuddат ичида жаҳон тан оладиган ютуқларга эришгани ва бунинг сабабларини тўғрисида тўхталиб ўтди, ўзининг янги шеърлари, хусусан таллабларга мурофи «Ўзбегим» қасидасини ўқиб берди.

Шоира Ойдин Хожиеваннинг «Бошинг тошдан бўлсин, истиқлол», Гулжамол Аскарваннинг Мустақиллик йўлида жонини фидо қилган қатогон қурбонларига бағишланган «Муножот» ҳамда «Озодлик» шеърлари айниқса, йилгиланган манзур бўлди. Гулчехра Жўраева, Миршўлет Мирзаева, Омон Муҳтар, Халима Аҳмедоваларнинг Мустақиллик, Ватан тўғрисидаги ва ихлосмандлар илтимосига мурофи лирик шеърлари даврага фойда бағишлади.

Истеъдодли хонанда Султонпошва Удаеванинг кувнок кўшиқлари йилгиланганлари рақсга чорлади. — Утган саккиз йил ичида мамлакатимиз босиб ўтган йўлининг қанчалик шарафли эканини жаҳон кўриб турибди, — деди жумладан Шоирлар хиёбонида мушоирани олиб борган Ўзбекистон Қаромини, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов. — Мустақиллик шарофати билан мушоирамизни адабиётимиз падари бузрукчорини, халқ дилидаги армонларни ўз вақтида ифода қилган Навоий бобомиз пойида ўлказаямиз. Шўқри, йиллар ўтиб буюк Навоий эркинлик деб кўйлаган, бизга забон берган, юртимизни жаҳонга танитган Мустақилликка эришиб, ўзбек номи билан мағрур юрибмиз. Ўз мустақил она Ватанин ҳақида шеър битиб, кўшиқ кўйлашга нима этсин.

Ушбу файзли кечада шеърлар кўшиқларга, кўшиқлар кўйларга уланиб кетди. Айниқса, таникли шоира Кўлибека Раҳимбоеваннинг юрак кўридан дунёга келган мисралари шу кuni янграган шеърлари кўшиқларга ҳамроҳ бўлди.

Озод Ўзбекистон, озод ўзбеклар, Айтсам ҳар товушимдан сачраб чиқар чўғ. Ҳар товуши кўксимда Тангриот тоғлар, Дунёда бундан-да гўзал унвон чўғ.

Фақат шу унвон деб кўйса бўлади, Фақат шу арзишда одам экониса, Байроқ каби қадаб кўйса бўлади, Ёғиз шу унвонни торак ёнса.

Мушоирага йилгиланган кўп сонли мухлислар Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг «Ватаним кўнглимнинг лавҳида борсан», Рустам Мусурмоннинг «Қандай исботларинг ўзбекилингини», «Истиқлол кўшиги», Шоший доланинг «Дўст орттиринг» шеърлари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хамид Фулом, шоирлардан Усмон Кўчкор ва Турсун Алиларнинг дил сўзлари-ю қалб кўрлари бўлиши янги ижод намуналарини мисониб тинглашди.

Ўзбекистон халқ ҳофизы Улмас Саидхон «Кўйдирасанми» кўшигини кўйлаганда даврага йилгиланган шўқ рақсга тушишди. Шунингдек, ҳушовоз хонандалар Марям Сатторов ва Улмас Оллоберганов ижросидаги дилтортар кўшиқлар, Абдуҳошим Исмоилов бошчилигидаги дастанинг ажаойиб кўйлари файзли мушоирага тароват қўлди.

Дилором Жавҳарова ва бошқа хаваскор шоирлар ҳам ўз дил тўғёнлари бўлиши шеърларини нафосат мухлислари эътиборига хавола этишди.

Ҳар икки тадбирда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Эркин Эрназаров, Фарида Абдурахимова ва бошқа меҳмонлар йилгиланганлари кириб келаётган Мустақиллик байрами билан кутлашди.

Халқимиз севган шоирлар Жуманиёв Жабборов, Усмон Азим, Рауф Парфи, Халима Худойберганаева, Йўлдош Сулаймон, Икром Отамурод, Салим Ашуру, Умида Абдуазимова ва бошқа ижодкорлар иштирокидаги шундай мушоиралар Сергели ва Фуркат боғларида ҳам бўлиб ўтди.

Энг муҳими, Мустақиллик мушоиралари нафақат бог ва хиёбонларда, балки ташкилот ва маъсасалар, меҳнат жамоалари, маҳалларда ҳам ўтказилиб, истиқлол мадҳияси янада баралла янграйверади.

ДИЛШОД ИСРОИЛОВ. СУРАТЛАРДА: Шоирлар хиёбонида ўтган байрам мушоирасидан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.



Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигидан:

ЎШ ВИЛОЯТИНИНГ БОТКЕНТ ТУМАНИДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

20 август кuni ўзбек, тожик, араб, пушун миллатларига мансуб, шунингдек, хозирча миллати номаълум, ўзаро инглиз тилида сўзлашувчи 50 нафарга яқин жангари Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятининг Боткент тумани ҳудудида қотириб кирди.

Тонг саҳарда жангарилар Тожикистон билан яқин чегарадош /4-5 чақирим/ бўлган, Олой тизмасининг Қирғизистон ҳудудидан ўтувчи Кўксув дарёси атрофидаги «Абрамов музлиги» яқинида жойлашган Ўзбекистон Республикасининг Гидрометеорология марказига қарашли метеостанцияга кириб келди. Улар метеостанциянинг 10 нафар ҳоталари ва 5 нафар маҳаллий сайёҳни гаровга олди, уларнинг шахсий ҳужжатлари, пуллари, кийим-бошлари, метеостанцияда мавжуд бўлган озик-овқат ва ёнигли-моилаш маҳсулотларини тортиб олиб, ўзларини ҳайдаб юбордилар.

21 август кuni жангарилар гуруҳи тоғ даралари орқали тушиб, Қирғизистоннинг Боткент туманидаги Зардоли, Жилисув ва Ҳўжа Ачкан аҳоли манзилларини эгаллади. Бундан ташқари, қуролланган гуруҳ Боткент туманининг Олтин жилга қишлоғида жойлашган геология-кидирув экспедициясига ҳужум

қилиб, унинг мол-мулкни, шу жумладан, иккита «Жип» русумли автомобиласини тортиб олиб, тўрт нафар Япония фуқароси ҳамда таржимонни гаровга олган.

22 августдан 23 августга ўтар кечаси 40 нафарга яқин жангари Боткент туманининг Кон шаҳарчасига ҳужум уюштирган. Жангарилар шу тумандаги Олтин жилга қишлоғини жангарилардан ҳимоя қилишга келган Қирғизистон Республикаси ИИБ Ички кўшиқлари бригадаси кўмондони, генерал А.Шанкеевни ҳам ханузгача гаровда ушлаб туришди.

Олинган маълумотларга кўра, юқорида номи зикр этилган аҳоли пунктларида

истиқомат қилаётган кишилар орасида қурбонлар бор, маҳаллий маъмурият вакилларидан бир неча киши гаровга олинган.

Боткент туман марказига 250 га яқин киши қочиб ўтган. Қирғизистон ва Ўзбекистон Куролли кучлари жангариларнинг бундан бунёнги харақатларининг олдини олиш ва уларни Қирғизистон ҳудудидан сиқиб чиқариш бўйича ҳамкорликда тадбирлар ўтказмоқдалар.

Маълумотларга кўра, Тожикистон ҳудудидан жангариларга қўшимча қуролланган кучлар жўнатилаётгани сабабли Тожикистондан Қирғизистоннинг Зардоли аҳоли пунктига ўтиш имконини бер

рувчи тоғ йўллари портлатилган, айна пайида у ердаги манзилларни Қирғизистоннинг Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари назорат этмоқда.

Жинояткор тўдалар солаётган таҳдид ва хавф-хатарга ўз вақтида чек қўйилмас, эртанги кунда воқеалар ривожини Доғистон ва Чеченистон чегарасида бўлаётган можаролар каби тус олиши эҳтимолдан холи эмас.

Қардош Қирғизистоннинг Ўзбекистонга чегарадош ҳудудларида юз бераётган воқеалар бизни қаттиқ ташвишга солмоқда. Шу муносабат билан биз халқимизни, жамоатчилигимизни ҳушёрлик ва сергақликка чақирамиз.

Ўзбекистон раҳбарияти тошйирига биноан чегара қўшиқлари ва тегишли харбий кучлар тарафидан зарур чора-тадбирлар кўриломоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ ХУСУСИДА

24 август кuni Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот марказига маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари тақлиф этилди. Улар олдига Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири А.Комилов қисқача баёнот эълон қилди.

Республика ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари йилгиланганга кеча ва бугун Россия телевидениеси, хусусан, РТР канали кўрсатуварларида, шунингдек, Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиби А.Азимов, Тожикистон Президентининг матбуот котиби З.Саидовнинг баёнотларида гўёки «Тожикистондан Қирғизистонга кириб олган жиноятчи гуруҳларнинг Бирлашган тожик муҳолифатига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу жангарилар Жума Намангоний раҳбарлигидаги мурасисиз ўзбек муҳолифатига мансуб» қабилидаги ахборотлар тарқатилганини маълум қилди.

РТР ҳамда Тожикистоннинг расмий шахслари Ж.Намангонийнинг одамлари беш йилдан бун «Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида кўчиб юрганини» таъкидлади. Улар «Ўзбекистон исломий уйғониш харақати»ни ҳам гапириб ўтдилар. Шу муносабат билан А.Комилов қатъий

равишда қуйидагича баёнот берди: **Биринчидан**, мурасисиз муҳолифат деган тушунчанинг ўзи йўқ ва унинг мавжудлиги ҳақидаги баёнотлар фитнадан ўзга нарса эмас. Беш йилдан ортиқ вақт давомида Бирлашган тожик муҳолифати томонида жанг қилган, тарқиб ўзбекистонликлардан иборат жиноий гуруҳлар бор.

Иккинчидан, Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиби А.Азимов айтганидек, бу гуруҳлар, ҳақиқатан ҳам кўчиб юрган. Фақат Афғонистон билан Ўзбекистон ўртасида эмас, балки Тожикистон билан Афғонистон ўртасида.

Учинчидан, бу жиноий гуруҳларнинг шу йил феврал ойда Тошкентда бўлган террорчилик харақатларига бевосита алоқадорлиги ва бу харақат вакилларининг ханузгача Тожикистон ҳудудида яшириниб юрганилигини била туриб, қандай қилиб бундай баёнот бериш мумкин, деган савол туғилади.

Ўз баёноти низоҳасида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Россиянинг РТР телекомпанияси ҳамда Тожикистон расмий шахсларининг масъулиятсизларча берган хабарларига нисбатан кескин норозилик билдириди. (ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпонни «Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида
Миллий озодлик учун кураш йўлида кўрсатган матонати ва буюк хизматлари, ўзбек адабиёти ва маданиятининг ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун шоир Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон (марҳум) «Мустақиллик» ордени билан мукофотлансин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 1999 йил 24 август.

ДАВР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ АХБОРОТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 август кuni Оқсарой қароргоҳида «Б'най Б'рис» халқаро ахборот ташкилотининг президенти Ричард Хайдеман раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида «Сайлов ва оммавий ахборот воситалари: ошқоралик ва ҳақонийлик» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Измир эмиляси оқибатларини бартафат этиш бўйича кўчқарув ишларини ўтказишда ёрдам кўрсатиш хусусида Фармоиш берди.

Словакиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида Словакия миллий кўзғолонининг 55 йиллиги ҳамда Словакия Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 7 йиллигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Республика Ташлим марказида «Миллий гоё, истиқлол мафқураси, маънавият — тарбия мезони» мавзусида илмий-назарий анжуман ўтказилди.

28-29 август кунлари Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» II Халқаро мусика фестивали доирасида «Шарқ халқлари мусика чоғуларини» мавзусида илмий-ижодий конференция ўтказилди.

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасида 3-Ўрта Осиё уйинларига тайёргарлик масалаларига бағишланган кенгаш бўлди. Бу уйинлар шу йил 1 октябрь кuni Қирғизистонда бошланади. Ўшунинг билан мамлакатимиз спортчиларининг 2000 йилда Сиднейда ўтказилаётган Олимпия уйинларига тайёргарлик қиришга муҳим босқич бўлади.

ЖАҲОНДА

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Тавфик Зулфико

ров икки кўнжик расмий ташриф билан Грузияга келди. Ташриф давомида у Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе қабулида бўлди.

АҚШ Федерал Кидирув Бюроси томонидан кидирилётган энг хавфли жиноятчилар рўйхатига кирувчи Усама ибн Лодин Доғистонда уруш олиб бораётган жангариларга махрий тарзда ёрдам бермоқда, унинг бу ўлкага ўтиб олиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Бу ҳақда «Нью-Йорк пост» газетаси АҚШнинг террорчиликка қарши кураш ташкилотлари вакиллари маълум қилган.

22 август кuni Миср пойтахтига Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Есир Арафот билан Фаластин озодлиги радикал демократик fronti раҳбари Найеф Хаватма ўртасида биринчи босқич музокаралар бўлиб ўтди. Бу икки раҳбар Исроил билан тинчлик музокаралари олиб боришда ёндашувларни ўзаро яқинлаштириш режасини «ишлаб чиқишга харақат қилмоқда.

Эстония президенти Леннарт Мери тақлифига биноан Польша президенти Александр Квасневски ушбу мамлакатта ташриф буюрди. Ташриф дастурига кўра, икки давлат президентларининг юзма-юз учрашуви ҳамда икки давлат делегацияларининг ҳамкорлик масалалари бўйича музокаралари ўтказилди.

Хитойнинг Шэньчжень маҳсус иқтисодий ҳудудида ер ости кувурли портлаш натижасида ўн бир киши қурбон бўлди, 20 дан ортиқ бино вайронга айланди.

Кения ҳукумати курул-юронинг ноқонуний савдосига чек қўйиш мақсадига Сомали билан чегараларни ёпиб қўйишга қарор қилди. Бу ҳақда мамлакат президенти Даниэл Арап Мои баёнот берди.

Туркияда жаҳон вақти-вақти билан ер силқиниб турибди. Кучи кеча мамлакатнинг шимоли-шарқиди яна эзилди рўй берди. Россия Фавқулодда вазирлигидан маълум қилинишича, эзилганин маркази Арзурум шаҳридан 45 километр узоқликда бўлиб, унинг кучи 4,5 балга етди. Қурбонлар ва вайронгарчиликлар ҳақида маълумот берилмаган.

Саҳоват

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Аввал хабар берганимиздек, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ва туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг саккиз йиллик байрамига ажаойиб совға ҳозирлаб, маҳаллалардаги кам таъминланган, ёғиз оилаларнинг 50 нафар фарзандига хайрия суннат тўйини ўтказиб беришга бел боғлаган эдилар.

Кеча «Қоратош» маҳалласи жамғармаси тўй болалар хизматида ушбу суннат тўйи муносабати билан катта тантана бўлиб ўтди. Ноз-неъматларга тўла дастурхон атрофида тўпаланганлар бу хайри иш ташаббускорларига ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдиришди.

Шу кuni Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва кўплаб қувватлаш ижтимоий-сиёсий

жамғармаси тўй болалар хизматида 100 минг сўм ўтказиб беришга қарор қилди. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими эса болаларга ўз совға-саломларини топширди. Маросимда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари Рихсидилла Ақромов, Фарида Абдурахимова ҳамда Абдуқаҳор Тўхтаевлар қатнашдилар. Маҳмуд ОРИПОВ.

ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ

Бугунги кунда республикамиз олдига экологик мухитни яхшилашдек долзарб вазифа турибди. Уни ижобий ҳал этиш учун халқимизнинг билим даражасини, аввало экологик маънавиятини янада ошириш талаб этилади. Чунки табиат гузаллигини оқилона фойдаланишни истagan ҳар бир инсон уни авайлаб-асрашни ҳам ўрганиши керак.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳалар қатори табиатни муҳофаза қилиш масалалари ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айтиш мумкинки, бу борада бир қатор ижобий ишлар қилинди. Шу йўналишдаги қонунлар рўёбга чиқди. Уларнинг ижросини таъминлаш табиатни муҳофаза қилиш органлари билан бир қаторда ўз-ўзини бошқариш органлари бўлган маҳалла кўмиталари зиммасига топширилди. Булар албатта табиатни муҳофаза қилиш йўлида бажарилган хайрли ишлар.

Бугунги кунда шаҳримизда 474 та маҳалла кўмиталари фаолият кўрсатмоқда. Улар баҳолани қўрат ўз ҳудудларини ободонлаштириш йўлида хайрли ишларни амалга оширишга ҳаракат қилишяпти. Бу борада қатор муваффақиятларга эришган маҳаллалар ҳам йўқ эмас албатта. Хусусан, Хамза туманига қарашли Янгиобод мавзесида жойлашган «Тарновбоши» маҳалласидаги ишлар диққатга сазовордир. Бу ерда 12 та кўча бўлиб, уларда 450 хонадон жойлашган. 13 миллат вакилларидан ташкил топган 2640 нафар аҳоли яшайди.

Маҳаллада 1270 ўринли мактаб, 450 ўринли болалар боғачси, поликлиника, кинотеатр, коммунал маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ишлаб турибди. Шунингдек, новвойхона, кулчилик цехи, 2 та ёнилғи қуйиш шохобчаси, автомобиллари таъмирлаш устaxonаси, йўл

қунда қариялар шинам сўриларда ўтиришиб бир пиёла чой устида кизгин суҳбат қуришади. Шундай гузал масканни бунёд этишда қатнашган инсонларни дуоибад қилишади. Маҳалла кўмитасининг раиси Кўчқор Эрматовнинг ташаббуси билан бу жойда ўтган йили шинам маҳалла гузари ишга туширилди. Унда озиқ-овқат дўкони, саратрошхона, суратхона, биллиард клуби, тўй ўтказиш зали, новвойхона, маҳалла аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Гузар атрофи ободонлаштирилиб, теварак-атрофга 200 тупдан ошмик дарахт кўчатлари ўтказилди, гулзор ташкил этилди.

Шунингдек бу йил маҳаллада ишга туширилган соғломлаштириш мажмуаси ёшларнинг севишли масканига айланди. Икки қаватли бинода ташкил топган ўшбу мажмуада чўмилиш ҳавзаси, машғулотлар ўтказиш хонаси, икита теннис корти, волейбол, баскетбол, футбол майдонлари ёшлар фитнессига топши-



Табиатга ошно қалб.


ТАБИАТ ВА ИНСОН

№ 7 (91) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси

марказий Шоҳсанам, Бунёдқор, Латифат кўчалари тўлиқ ободонлаштирилди. Маҳалла ҳудудидан ўтган Бекарлик, Тарновбоши ариқлари тозаланиб, бугунги кунда улардан зилол сув оқмоқда. Маҳаллада тез-тез ҳашарлар ўтказиб турилиши эътиборлидир. Шу йўл билан чиқинди уюмлари тозаланиб, улар ўрнида гулзорлар барпо этилмоқда. Бу борада гап кетганда Кўйлик марказидаги ахлатхона ўрнида пайдо бўлган чойхонани мисол келтириш мумкин. Яқингинада ахлатхоналардан иборат бўлган бу ер ҳашар йўли билан ободонлаштирилди. Бугунги

риб қўйилган. Ушбу хайрли ишларни амалга оширишда маҳалла ҳудудидан жойлашган корхоналар билан бир қаторда «Варданзе», «Машқура», «Хумо» фирмалари ҳам яқиндан ёрдам берганиларини айтиб ўтмоқ зарур. Фаоллар саъй-ҳаракати билан маҳаллада ташкил этилган бир гектардан ортиқ мевали боғ кам таъминланган оилаларга фойдаланиш учун бўлиб берилди. Ниятимиз ушбу маҳалладаги ибратли ишлардан шаҳар ва туманлардаги маҳаллалар ўрнак олсалар нур устига аъло нур бўларди.

Эрмунин ЧУПОНОВ,
Кўчқор ЭРМАТОВ.



Тоғлар табиатга чирой бағишлайди. Айни ёз мавсумида тоғ ёнбағирлари янада кўркамлашиб кетади.

ЭНГ ҚУЛАЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ

Пойтахтимиз кундалик ҳаётини метросиз тасаввур этиб бўлмайди. У шаҳримиздаги энг қулай транспорт воситаси сифатида алақачон тан олинди. Бу транспортнинг яна бир афзаллик томони шундаки, у атроф-муҳитга ҳеч қандай зиён-заҳмат етказмайди.

Бир тасаввур қилинг. Икки ярим миллионлик шаҳар аҳолиси ва Тошкентимизга келиб-кетувчи меҳмонларнинг узогини яқин қилаётган метрополи- тин бир кунда ўртача 550 минг кишига хизмат кўрсатар экан. Бу демек бир нечта юзлаб автобус ва бошқа транспорт воситалари зарурийат қолмайди деган сўз. Улар томонидан

ташқи муҳитга чиқариладиган зарарлар, захарли газ ва тунларни эътиборга оладиган бўлсак метронинг нақадар афзаллиги яна бир бор ўзини намойён этади. Хозир шаҳримизда метрополитен қурилишига катта эътибор берилганлигининг бир жиҳатдан боси ҳам ана шунда. Бугунги кунда бунёд этилаётган Юнусобод йўналишида метро қатнови йўл-

га қўйилса, яна қанчадан-қанча тежамкорликка эришилган, атроф-муҳит эса сезиларли даражада зарарлардан тозаланган бўлар эди. Узунлиги 17,2 километрик, 13 бекатдан ташкил топган бу йўналишда жадал суръатлар билан иш олиб борилмоқда. Мутахассисларнинг ҳозирги ҳисоб-китобларига кўра Юнусобод метроси ишга тушган тақдирда энг камида 200 та автобус икитисод қилинади. Уларга сарфланадиган 1640 тонна ёқилғи тежаб қолинар экан.

Йўлдошбек АСЛБЕКОВ,
Собир МАҲАМАТОВ.

ҚОНУН БИЛАН ҲИМОЯЛАНАДИ

Табиатни муҳофаза қилиш инсоннинг онгли ва аниқ бир мақсадга қаратилган фаолиятидир. Унинг муҳофазаси учун кураш фуқароларнинг муҳим вазифаси эканлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида аниқ кўрсатиб қўйилган. Унинг бажарилишини таъминлаш ишбод фақатгина ҳозирги давр нуктаи назаридан эмас, балки келгуси авлодлар манфаатларини ўйлаш ҳолда амалга оширмоқ керак.

Қадимги Шарқ ҳикматларида шундай дейилади. Агар ҳар бир инсон бирор болани тарбия қилмаган, биронта уй қурмаган ёки бирор дарахт экиб ўстирмаган бўлса, унинг умри зое кетган ҳисобланади. Бундан кўриниб турибдики, инсон умри даво-

мида юқоридаги хайрли ишларни амалга оширган ҳолда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш йўлида ҳам фидойилик кўрсатиши лозим. Афсуски, ҳозирги кунда бундай фазилат кўпчилигимиздан анча узоқлашиб қолган кўринади. Шунинг учун ҳам табиат қонунларини энг

мақбул ҳисоб-китоблар бўйича амалга ошириш, табиий ресурслардан эҳтиёткорона фойдаланиш, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудлар ҳолатини яхшилаш каби муаммолар аниқлаш-мунча кучайиб бормоқда. Мана шунини назарда тутиб ҳамда табиий бойликларни сақлаш ва

бий муҳит шароитларини сақлаш табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари белгилаб берилган. Энг муҳими, юқоридаги қонунларнинг мақсади — инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимларини, табиат мажмуаларини ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиши ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

Тўрабек АМИРҲАЗАЕВ.

ТЕКШИРУВДА АНИҚЛАНДИ

Мирзо Улуғбек тумани шаҳримизнинг ирригация тармоқларининг узунлиги эса 225 километрни ташкил этади. Туманда 38 та йирик ва ўрта саноат корхоналари, 24 та автотранспорт хўжалиги ва мингга яқин ишлаб чиқариш билан шугулланувчи кичик ва хусусий корхоналар мавжуд.

ўтказилди. Текширувлар якунига кўра ўшбу корхоналар зиммасига 280 та бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар берилди. Шу кунга қадар улардан 170 таси бажарилиди. Экологик қонунларни бузганлиги учун 26 мансабдор шахсга 22370 сўм миқдорда жарима солинди. Тумандаги 21 та корхонада артезиан қудуғи бўлиб, шу корхоналардан савдо ускуналарини заводи, «Тошавтоматика», «Боғи Эрам», суяк силлари санаторийси каби корхона ва ташкилотларни сувдан фойдаланиш учун маж-

бу йил туман корхоналарини томонидан бажарилиши шарт бўлган 35 та тadbир тузилди. Уларнинг умумий миқдори ўртача 24,3 миллион сўмини ташкил этади. Шу кунгача бу тadbирлардан 19 таси бажарилиди, холос. Туманда 50 та маҳалла, 9 та ижара корхоналари мавжуд. Уларда маълум даражада ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу юмушлар туман бўйича ташкил этилган назорат ҳайъати аъзолари томонидан кузатиб борилади. Ҳайъат фаолларининг саъй-ҳаракати билан

ТЕКШИРУВДА АНИҚЛАНДИ

ободонлаштириш ишлари маҳаллий аҳоли диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Туман ҳудудидан Қорасув, Салор, Дархон, Оққўрғон каби каналлар оқиб ўтади. Уларнинг сувларидан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган маҳаллалар қиёфаси ўзгариб обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Ҳар йили юқоридаги номлари зикр этилган каналлар бўйи ва унинг атрофлари таъмирланиб, тозаланиб турилади. Туман аҳолиси ва маҳалла кўмитаси фаоллари экологик муаммоларни бартараф қилишда янада жонбозлик кўрсатсалар, уйлмаймики, Мирзо Улуғбек тумани ўз номига этилган назорат ҳайъати аъзолари томонидан кузатиб борилади. Ҳайъат фаолларининг саъй-ҳаракати билан

Исмоил ШАМСУТДИНОВ.

Шарқ гурӯналари

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИД

Домо бўлур...

◆ Фарзандлар ота-онага итоат этиб, ҳар бир фурсатни уларнинг ризолигисиз ўтказмасликлари лозимдир. Ҳар бир саодатли ва азиз фарзанд ота-она кайфиятини розилик белгиси билан хандон қилади, ота-она хурсандчилигини ўзига келадиган яхшиликнинг дебочаси деб билади. Назот эшигининг калити ва саодат гулзорининг насими ота-она туфайли ҳосил бўлади. Фарзанд ўстиришдан мурдадо шулки, улар имкони борича ота-она хизматини қилсинлар ва ҳеч қачон уларга уят ва шармандалик келтирмасинларки, уят ва шармандалик ота-онанинг фарзандга бўлган меҳру-муҳаббат оинасини гурбурлаштиради. Бундай ёмон фарзанддан беғоналарни яхшироқ деб ҳисоблайдилар.

Бархурдор ибн МАҲМУД.
◆ ХИКОЯТ. Сўзлари адаб гавҳарининг тожи, ўзи араб ҳақимларининг устоди бўлган Собит ибн Қуррадан қуйидаги ҳикматларни нақл қилдилар: «Жисм роҳати овқатнинг озида, руҳ роҳати кам ёйишда, тил роҳати оз гапиришда!» Лекин сўз айтиш лозим бўлган жойда жим ўтирмоқ эинга йўл қўймоқ ва маломатта қолмоқдир.

Асар кўрсангки йўлда кўру чоҳдир, Асар хомуш ўтирсанг зўр зумҳодир!
Байт:
Агарчи жим ўтирмоқ ҳарадман наздида ҳушдир,
Валеким маслаҳат пайтида хуш бўлай фикр айтмоқ.
Билиб қўй, икки пайтда жим ўтирмоқ бефазлликдир.
Керак пайтда сўз айтмай, покерак пайтда дам ўрмоқ!
Яъни жим турмоқ пайтида сўзламоқ оқибатни ўйлаб иш тутувчилар учун нолайик ишдир. Шунингдек, гапириш лозим бўлган вақтда индамай турмоқ оқил кишилар наздида номувофиқдир.

Ақлу тadbир билан ўйлаб қарадим, Сергап бўлса ҳар ким доим хор экан. Айтмаганман лабу қўни юм доим, Аммо ҳар бирининг жойи бор экан.
◆ ХИКОЯТ. Айтишларича, беҳуда сўзлашдан кўра жим ўтиришлик афзал эканлиги ҳақида Рум қайсар, Ҳинд роҳаси, Чин фағфурни ўртасида мунозара бўлиб ўтган эди. Улар ўзаро бир фикрга келдилар ва бир маънодаги сўзларни турли ибратда баён ипига тиздилар. Рум қайсар шундай деди: «Айтган баъзи сўзларимдан қаттиқ наҳомат тордим. Аммо айтмаган сўзларимдан ҳеч пушаймон бўлмадим!» Назм:

Айтмаган сўздан наҳомат етмас, Сўз айтмаган, ундан зарар юзалади!
Ҳинд роҳаси ақл дарёсидан дур ҳозирлаб, баён ипига терди-ю, деди: «Сўз ўқи камонидан ҳали отилмаган экан у менинг қўл остидадир. Оғиз камонидан отилиб чиқса, унга энди эғалик қўлолмаيمان!» Байт:
Айтмаган сўзин айта олсан, Айтганини қачон тута олсан?!
У давом этиб деди: «Ҳар сўз ўқи камондан учса ва ҳар калима оғиз зиндонидан кўчса уни қайтариб оламан дейиш хом хаёлликдир!» Байт:

Шошмақондан тийсин доимо ўзин, Истаганда айтсанг бўлади сўзин!
Чин фағфур сўз бўстонидан гулдаста ҳозирлаб, туҳфа қилган ҳолда деди: «Сўз қуши оғиз қафасида экан, унинг ихтиёри менинг изимдадир. Бордию, у тил ошёнасидан парвоз қилса ҳеч қачон уни тутиб бўлмайди. Байт:
Қуш қафасдан учиб кетганда ҳар дам, Туман деб уни тортмагин алам!
Сўз келини сўзлашув пардасидан ташқарига чиқмаган экан, тил машшотасининг ихтиёридадир. Машшога уни хоҳласа баён боғига олиб қиради, хоҳласа парда орқасида пинхон тута олади. Байт:

Сўз келини жилав қилмаган замон, Соҳибнинг қўли остида пинхон. Хоҳлаганда уни баён қилади, Хоҳламаса яна ниҳон қилади!
Ибн КАМОЛПОШШО.
◆ Вафоли одамнинг дўстлиги ҳам самимий бўлади.
◆ Ешликда шундай иш қилки, қарингидан фойда берсин ва унинг беҳуда ўтганидан афсус ема!
◆ Ешлик мастлиги шароб мастлигидан ортиқ. Йигит йигитдан йиқилади, аммо тақлим бўлмайди.
◆ Бир сандиқ олтидан бир зарра ақл яхши.
◆ Тинимсиз зиёратдан малоллик турғилади.
◆ Йўлга чиқилган аввал йўлдош қилдир.
◆ Ҳар қуш ўз овозидан шодланади.

«Аталар сўзлари»дан.
◆ Байт:
Яхшилар айбидан кўз юмгин ҳар он, Ҳасад кўзи билан боқмагил зўён. Ўз айбинг кўрмоққа юз марта кўз оч, Ўзгаги бир бор ҳам кўз очилдан қоч!
Муҳаммад ҲУСАЙН.
◆ ХИКМАТ. Дўст уч гуруҳдир: дўст, дўстингни дўсти, душманингни душмани. Душман ҳам уч тоифадир: душман, дўстингни душмани, душманингни дўсти. Байт:
Душманингга душман бўлади дўстинг, Душманингга уа ҳам бўлади айб.
Душманингга дўстлик айласа дўстинг. Душманлар у ақалг бўлса ҳам тўшқор!
Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.
◆ Донорлардан бири айтади:
— Ёмон кишилар билан улфат бўлишдан қочгин. Одамнинг табиати ўғирдир. У яхши кишилар билан суҳбатдош бўлганда яхши хислатлардан баҳраманд бўлгани каби, ёмонлар билан улфат бўлганда ҳам улардан озгина бўлса-да, ёмон хислат ўғирлаб олади.
◆ Донорларнинг айтишича, ҳар кишини ҳам дўст тутиб бўлавермайди. Дунёда дўстдан кўра азизроқ ва қимматлироқ нарса йўқ. Айтишларича, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ўз отаси ҳақида ҳикоя қилиб қуйидагиларни айтган:
Дадам бир кун менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатлик қилма, улар билан ҳеч вақт суҳбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» деб сўрадим. Дадам деди: «Биринчиси — фиску фуҷур ахли. Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир лўкма нон учун сени сотишдан қайтмайдилар. Уларнинг одатлари шуки, сенадан доим бир нарса тамасида бўлишди, агар бермасанг, халқ ичиде сенинг ҳақингда ёмон гаплар тарқатишади. Одамлар эса гапнинг тагига етмасдан сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар».

— Иккинчиси бахил ва хасис кишилар. Агар сен бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг улар ҳеч қачон сенга бермайдилар. Сенинг молу давлатингни эса уялмай ёйдилар. Тугаса душманга айландилар. Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Пулим қўпчилигда дўстларим қўп эди. Камбағалликга тушиб қолганимда эса душманимга айланшди, таъна тошини отишди.
Дадам давом этиб деди:
— Уларнинг учинчиси ёлғончилар. Қимда бу иллат борлигини сезсанг ундан узоқроқ юр. Улар сени ўз яқинларингдан айиришди ва беғоналарни яқинлаштиради. Туртинчи тоифа эса жоҳил, нодон ва аҳмоқ кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат кишига аста-секин таъсир эта бошлайди, тўғри йўлдан озқиради, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа эса лўкма, дилида меҳри йўқ кишилардир. Бундай кишиларни малум деб аташ мумкин.

Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ.
Форс, араб, турк тилларидан Махмуд ҲАСАНИЙ таржмиси.

Саҳифани Махмуджон КОМИЛЖОНОВ тайёрлади.

